

**АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИДА ИЧКИ СИФАТ НАЗОРАТИНИ  
ЎТКАЗИШ БОСҚИЧЛАРИ**

**Қўшиматов О**  
*ТДИУ Аудит кафедраси катта ўқитувчиси*

**Аннотация.** Мазкур мақолада аудит иш сифатини назорат қилиш ҳамда баҳолаш мақсади, вазифалари ва ўзига хос хусусиятлари ёритиб берилган. Шунингдек, мақолада аудиторлик текширувани ўтказища иш сифатининг ички назоратини ўтказиш муаммолари ҳамда уларни бартараф этиш йўллари келтирилган. Жумладан, аудиторлик ташкилотлари иши сифатини ташқи назоратдан ўтказиш алгоритми ишлаб чиқилган ҳамда амалиётга жорий этилган. Аудитнинг ўтказилиши чоғида аудитор иши сифатини назорат қилиш омиллари, критерийлари, шакллари ва улардаги текшириш амалларининг услубий масалалари баён этилади.

**Калит сўзлар.** Иш сифатини ташқи назорати, иш сифатини ички назорати, эксперт ишидан фойдаланиш, ички стандарт; аудит умумий режаси; аудит дастури

Аудиторлик ташкилотининг ички фирма стандартлари ёки бошқа хужжатларида белгиланган назорат тадбирлари аудиторлик хизматларини қонунчилик, аудиторлик фаолияти халқаро стандартлари ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъёрий-хуқуқий актларига мувофиқ кўрсатилишини таъминлайди.

Аудиторлик ташкилотидаги ички сифат назорати тизими ушбу тизимнинг ишлаётганидан далолат бера олувчи барча жараёнларни хужжатлаштириш талабларига жавоб бериши керак. Бундай тизим аудит стандартларда кўрсатилган, маълум бир аудиторлик ташкилотида аудиторлар эътиборига ҳавола этилувчи тушунарли принцип ва тадбирлар бўлиб, улар амалиётда қўлланилишига ишонч ҳосил қилинишини таъминлаш учун фойдаланиладиган бошқа ички хужжатларда (низомлар, лавозим йўриқномалари, буйруқлар ва шу кабилар) белгиланган ички стандартларни ўз ичига олади. Жорий фаолият чоғида тўлдириладиган иш хужжатларининг ишлаб чиқилган намунали шакллари ички сифат назорати тизимининг самарали (самарасиз) эканидан гувоҳлик беради.

Аудитор ишининг ички сифат назорати мақсадлари ва тадбирларини - жадвалда кўриш мумкин.

Аудиторлик текшируви раҳбари ва аудиторлик гурухининг бошқа аъзолари аниқланган муаммолар ва уларни ҳал этиш усусларини хужжатлаштиришлари керак. Бунда аудит бўйича аниқ топшириқقا қўлланиладиган мустақиллик талабларига риоя этиш ҳақидаги хулоса шакллантирилади. Иш жараённида аудиторлик гурухи раҳбарига қўйидагилар зарур:

- аудиторлик гурухи аъзолари ва аудитдан ўтказилаётган субъект

# **BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI**

ўртасидаги мустақилликка хавф яратадиган аҳвол ва ўзаро муносабатларни аниқлаш ва уларни баҳолаш мақсадида ташкилотидан ахборот олиш;

- мустақиллик принципларининг бузилиши ҳақидаги ахборотларни (агар шундай ҳоллар содир бўлса) баҳолаш ва улар аудитга доир маълум бир вазифага хавф солиш ёки солмаслигини аниқлаш;

- мустақилликка солинган хавфни бартараф этиш ёки уни мақбул бўладиган даражага камайтириш учун тегишли чоралар кўриш, шунингдек, аудиторлик ташкилотига мазкур ташкилот тегишли чоралар кўра олиш учун шу каби ҳодисаларнинг ҳар бири ҳақида ўз вақтида хабар килиш;

- мустақилликка тегишли хулосалар, шунингдек, мазкур масалага таалуқли хулосаларни далиллайдиган барча мулоҳазаларни ҳужжатлаштириш.

Сифат назоратчилари томонидан нафақат аудит сифатининг ички назорати тизими белгиларининг мавжудлиги, балки унинг принциплари аудиторлик ташкилотининг оддий ходимларига етказилиши, мазкур тизимнинг амалиётда қўлланилиши ҳам текширилади.

## 1-жадвал

### **Аудиторлик текширувида ички сифат назоратини ўтказиши босқичлари**

<b>№</b>	<b>Ички сифат назорати мақсадлари</b>	<b>Ички сифат назорати тадбирлари</b>	<b>Ички ҳужжат, назорат усуллари (мисоллар)</b>
1	Ўтказилаётган аудиторлик текширувининг ички сифат назорати	Ўтказилаётган аудиторлик текширувининг мақсад ва вазифаларига мувофик келувчи ички сифат назорати тадбирлари	Аудитга оид вазифалар бажарилишини мувофиқлаштиручи ички стандарт; Аудиторнинг иш ҳужжатларидаги назорат имзоси; Назорат ва рақалари ёки бошқа иш ҳужжатлари
2	Профессионал омилкорликнинг тегишли даражаси	Аудиторлар ва ўзларига юклатилган ишни бажараётган аудитор ёрдамчиларининг профессионал малакалиигининг таҳлили	Ички стандарт; Текширув раҳбарининг аудиторлик гурухини тайинлашга доир иш ҳужжатларидаги имзоси
3	Иш керакли	Аудитор ёрдамчиларига иш	Ички стандарт;

**BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI  
TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI**

	даражада синчиклаб бажарилишига бўлган ишончни таъминлаш	кераклича синчиклаб ва мазкур вазиятларда зарур бўлган профессионал омилкорлик билан бажарилишига бўлган ишончни таъминлаш мумкин бўлган тарзда топширик бериладиган тартибни ўрнатиш	Аудит режаси; Аудит дастури
4	Аудиторлик тадбирлари ўтказиш тўғрисидаги зарур ахборот ва кўрсатмалар олиш	Аудиторлик текшируви раҳбари томонидан иш топширилаётган аудиторлар ва аудитор ёрдамчиларига тегишли тадбирлар ўтказиш ҳақида бериладиган аниқ кўрсатмалар; Ходимларни аудитдан ўтказилаётган шахс фаолиятининг характеристи ва бухгалтерия соҳасида учраши мумкин бўлган муаммолар каби жиҳатлардан хабардор қилиш	Ички стандарт; Аудит режаси; Аудит дастури
5	Аудит дастури тузилиши устидан назорат	Аудит дастури, шунингдек, вақт сарфи сметаси ҳамда аудитнинг умумий режасини тузиш йўли билан аудитор ёрдамчилари эътиборига аудит ўтказишга доир кўрсатмаларни етказиш	Ички стандарт; Аудит режаси; Аудит дастури
6	Белгиланган назорат ишларининг бажарилиши	Қўйидагиларни аниқлаш учун аудитнинг боришини назорат қилиш: аудитор ёрдамчилари ўзларига топширилган вазифаларни бажариш учун зарур кўникма ва малакага эга эканлиги; аудитор ёрдамчилари аудит ўтказишга доир кўрсатмаларни тушунадиларми; иш аудит дастури ва умумий режасига мувофиқ бажариляптими	Иш ҳужжатлари
7		Бухгалтерик ҳисоби ва аудит соҳасидаги муҳим масалаларни кўриб чиқиш, уларнинг муҳимлигини баҳолаш ва аудит дастури ҳамда умумий режасига тегишли ўзгартишлар киритиш	Аудит режаси; Аудит дастури; иш ҳужжатлари

**BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI  
TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI**

8		Ходимларнинг профессионал мулоҳазаларидағи тағовутларни бартараф этиш	Оғзаки маслаҳатлар
9	Ўтказилаётган аудит натижалари устидан етарли назорат	Қўйидаги масалалар бўйича билимлари тенг даражада бўлган ҳар бир аудитор ёрдамчиси ва ходимлар томонидан бажарилаётган ишларни текшириш: иш аудит дастурига мувофиқ бажарилганми; бажарилган иш ва олинган натижалар хужжатларда керакли даражада расмийлаштирилганми; аудитнинг барча муҳим жиҳатлари аудиторлик хулосаларида акс эттирилганми; аудиторлик тадбирларининг мақсадларига эришилганми; чиқарилган хулосалар бажарилган ишлар натижаларига мос келадими, улар аудиторлик фикрини тасдиқлайдими	Ички стандарт; иш хужжатлари
10	Назорат тадбирлари тўлиқ ўтказилишини таъминлаш	Ўз вақтида текшириш: - аудит дастури ва умумий режаси; - ички назорат воситалари хатари ва ажралмас хатарларнинг аҳамияти; - текширув натижасида олинган аудиторлик далиллари ва улар асосида чиқарилган хулосанинг хужжатларда акс этиши; - молиявий ва бухгалтерия ҳисоботи	Ички стандарт; иш хужжатлари
11	Аудит сифатини аудиторлик хулосаси тақдим этилгунга қадар текширилишини ташкил қилиш	Аудит ўтказишга оид ишларнинг ушбу аудиторлик текшируvida қатнашмаган аудиторлар томонидан текширилиши; Аудиторлик хулосаси тақдим этилгунга қадар қўшимча	Ички стандарт; Мустақиллик ва холислик тўғрисида баённомалар; Сўров варақалари

## **BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI**

		назорат бажарилиши	тадбирларининг	
--	--	-----------------------	----------------	--

Ўзбекистон Аудиторлар Палатасининг ташқи сифат назоратини ўтказишга доир методикасининг ўзига хос хусусияти шундаки, унда аудиторлик ташкилотида ички сифат назорати тизимига катта эътибор қаратилади. Ишлаб чиқилган ва аудиторлик ташкилотларида самарали фойдаланилаётган ички сифат назорати тизими ўтказилаётган аудиторлик текширувлари сифатини тъминлашда асосий омил бўлиб қолмоқда.

**Аудиторлик ташкилотлари иши сифати ташқи назоратининг обьекти сифатида аудиторлик ташкилотлари фаолиятининг белгиланиши аудит иши сифатини назорат қилиш мезонларини аниқлаш ҳамда аудиторлик текшируви ва турдош хизматларнинг кўрсатилишида аудит стандартларининг ва Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини тартибга солиб турувчи бошқа норматив хужжатлар талабларига риоя этилишига қатъий асос бўлиб хизмат қилган. Шунингдек, аудит иши сифатини текширишда қўлланиладиган ташкилий чора-тадбирлар, услублар ва тартиб-таомиллар тизимини аниқ ва тўлиқ ёритиб беришга замин яратган. Бунинг натижасида аудиторлик ташкилотлари томонидан иши сифатини назорат қилиш принциплари ва қоидалари, уларни қўллаш тартиб-таомиллари ишлаб чиқилган, шунингдек аудит жараёнида текширишнинг умумқабул қилинган стандартлари билан қарама-қаршиликлар юзага келмаслигининг олди олинган.**

Жорий назоратни олиб борувчи профессионал ходимлар қуидаги функцияларни бажаради:

- Юклатилган топшириқларга ижрочиларнинг билим ва малакаси етарлилигини текширади;
- юклатилган топшириқларни ижрочиларга тушунарли эканлигини текширади;
- бажарилаётган ишлар аудитнинг умумий режаси ва дастурига мувофиқлигини аниқлайди;
- аудит жараёнида аниқланган, бухгалтерия ҳисоби ва аудит юзасидан келиб чиқсан муаммоларни аниқлаш.

Бажарилган ишлар натижаларини текшириш ҳар бир ижрочи ва ходимлар томонидан амалга оширилади. Иш натижалари текширувини амалга оширувчи ходимлар текширилган иш хужжатларига ўзларининг имзолари ёки шартли белгиларини қўйишлари лозим. Зарур ҳолларда эса текширучилар текширилувчи ҳаракатларига баҳо, тавсия ёки изоҳлар бериши мумкин. Аудиторлик ташкилоти раҳбари бажарилган ишнатижалари текширувини фақатгина аудит ўтказган гурух ходимларига эмас, балки бошқа зарур малакага эга бўлган мутахассисларга ҳам

# **BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI**

топшириши мумкин. Аудиторлик ташкилотидаги бундай мустақил ва параллел текширув, йирик ва мураккаб хўжалик юритувчи субъект аудити шароитида тавсия этилади.

## **Адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг 25.02.2021 й. **ЎРҚ-677-сон** "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонуни (Қонунчилик палатаси томонидан 10.11.2020 й. қабул қилинган, Сенат томонидан 05.02.2021 й. маъқулланган)

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19.09.2018 й. **ПҚ-3946-сон** "Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори Ўзбекистон Республикаси Президентининг 04.08.2021 й. **ПҚ-5210-сон** "Аудиторларни сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 й. **ПФ-60-сон** "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги Фармони.

5. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллаш учун аудитнинг халқаро стандартларини тан олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 11.04.2022 йилдаги **171-сон**

6. Молия вазирининг 24.09.2021 й. 56-сон "Аудиторнинг малака сертификатини малака имтиҳонини топширмасдан бериш ва муддатини узайтириш учун асос бўладиган бухгалтерларнинг халқаро сертификатлари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида"ги Буйруғи (АВ томонидан 29.09.2021 й. **3321-сон** билан рўйхатга олинган)

7. Сифат назорати, аудит, қўриб чиқиш, бошқа ишонч билдириш ва турдош хизматларнинг халқаро стандартлари. Таржима УБАМА 2014.

8. Кеворкова Ж.А. Международные стандарты аудита. Под редакцией, -М.: Юрайт. 2016. -458 с.

9. Qlichev Baxtiyor Pardayevich. (2024). Xo 'jalik yurituvchi subyektlarda CVP-tahlilni tashkil etishning muammoli jihatlari. YASHIL IQTISODIYOT VA TARAQQIYOT, 4 (2024), 754–759

10. Чориев И.Х. (2023). Молиявий ҳисоботлардаги хатоликларни аниқлашда таҳлилий амаллардан фойдаланишнинг услубий жиҳатлари. *Scientific Journal of "International Finance & Accounting*, Issue 1, February 2023.

11. Қличев, Б. (2022). КРІ ТИЗИМИ АСОСИДА МОДДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ ТАҲЛИЛИ. *Архив научных исследований*, 2(1). извлечено от <https://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1343>

12. Klichev Bakhtiyor Pardayevich. (2024). Problematic Aspects of Organizing Cvp-Analysis in the Enterprises of Uzbekistan // Web of Scientist: International Scientific Research Journal, 5(5), 241–248. Retrieved from <https://wos.academiascience.org/index.php/wos/article/view/4906>

## **BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI**

13. Чориев И.Х. (2023). Молиявий инвестициялар ҳисобини такомиллаштириш. *Scientific Journal of "International Finance & Accounting", Issue 2, April 2023.*
14. U.K.Yakubov, G.S.Maxmudova. (2022). Biznes tahlil: Operatsion tahlil-1,2. (Darslik). –Т.: “Nihol print”, 205 b.
15. Qlichev Baxtiyor Pardayevich. (2024). Korxonalarda operatsion faoliyat samaradorligini tahlil qilish masalalari. *World Scientific Research Journal*, 26(3), 86–94. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3251>
16. Косимович, Я. У. (2024). Ташқи савдо фаолиятида мақбул ечимни топиш масалаларини таҳлили. *World scientific research journal*, 26(2), 199-205.
17. Choriev I.X. Auditorlik faoliyatida tahliliy amallarni takomillashtirish. Iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi avtoreferati. – Toshkent: «Iqtisod-moliya»nashriyoti, 2021, - 21-26 b.
18. Tulaev, M. (2024). Moliyaviy hisobot konsepsiyalari. *Nordic\_Press*, 2(0002).
19. Абдуллаев, А. Б. (2019). СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УЧЕТА И АНАЛИЗА НАЛОГОВ. In *БУХГАЛЬТЕРСКИЙ УЧЕТ: ДОСТИЖЕНИЯ И НАУЧНЫЕ ПЕРСПЕКТИВЫ XXI ВЕКА* (pp. 10-17).
20. Kasimovich, Y. U. (2021). Developing A Model On The Basis Of A System Of Indicators Determining The Efficiency Of Foreign Trade Activities. *Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry*, 12(7).
21. ҚЛИЧЕВ, . Б. П. (2022). ИШБИЛАРМОНЛИК ФАОЛЛИГИ ТАҲЛИЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ. *Архив научных исследований*, 2(1). извлечено от <https://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/373>
22. Rozmatova Umida Yuldashevna. (2024). NOMODDIY AKTIVLAR AUDITINI TAKOMILLASHTIRISH. *World Scientific Research Journal*, 26(3), 177–184. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3261>
23. Tulaev, M. (2024). Т BUXGALTERIYA HISOBINING SCHYOTLARI VA ULARNING MOHIYATI. *Nordic\_Press*, 2(0002).